

ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
7 -сонли ШАРТНОМАСИ

«10» январь 2022 йил

Қоровулбозор туман
(Шартнома тузилган жой)

Қоровулбозор туман **Мактабгача таълим бўлими** бундан бўён «**Истеъмолчи**» деб юритилади) номидан узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **С.К.Давлатова** бир томондан ва Қоровулбозор туман газ таъминоти (бундан бўён «**Таъминотчи**» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Ф.Н.Очилов** иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар.

Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу шартнома бўйича «**Истеъмолчи**»нинг буюртманомасига мувофиқ тармоқлар орқали табиий газ етказиб беришни «**Таъминотчи**» ўз зиммасига олади. «**Истеъмолчи**» эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «**Таъминотчи**» табиий газ етказиб беришни фақат «**Истеъмолчи**»да газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. «**Истеъмолчи**»нинг буюртманомасига асосан 2022 йил I чоракда етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми **57 289** куб. метрни, нархи **660** сум, жами **37 810 740** сўми ташкил қилади, Шундан барчаси бюджет маблағлари ҳисобидан.

шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида қўрсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир

1 чорак 57289 куб.м.	январ 24146 куб.м.	феврал 24146 куб.м.	март 8997 куб.м.
2 чорак _____ куб.м.	апрел _____	май _____	июн _____
3 чорак _____ куб.м.	июл _____	август _____	сентябр _____
4 чорак _____ куб.м.	октябрь _____	ноябр _____	декабр _____

1.4. «**Истеъмолчи**» ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми «**Таъминотчи**» томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил таксимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида «**Таъминотчи**» томонидан истеъмол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортик «**Истеъмолчи**»лар учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чиқиб ўртача кунлик ва ўртача соатлик газ ҳажми ҳисоблаб чиқилади.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истеъмолчининг таклифи билан мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортикча олиш деб ҳисобланмайди. ой бошланишига 10 кун қолгунча, томонларнинг келишувига асосан белгиланган тартибда киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам бўлмаган фоизда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади. (**Бюджет ташкилотлари учун камида 15 фоиз миқдорида олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади.**)

2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. «**Таъминотчи**» 1.3. бандда қўрсатилган ҳажмда «**Истеъмолчи**»га табиий газ етказиб беради ва етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб нормал куб.м.да (ГОСТ 5542-87, 1,1-банди. T=20*С, P=760 мм симоб устуни,)да ҳисобланади.

2.2. «**Истеъмолчи**» ой мобайнида бир маромда, газ истеъмолининг ўртача кунлик меъёри чегарасида, ҳамда ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларида қўрсатилган ҳажмда «**Таъминотчи**» дан табиий газ қабул қилиб олади. Шунингдек, табиий газ етказиб берилганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисида ой охирида тузилган далолатномага имзо қўяди.

2.3. Газ ҳажмлари тўғрисида ҳисобот ойида топширилган ва қабул қилинган ҳужжатлар «**Истеъмолчи**»нинг газ ҳисоблагичи бўйича аниқланган:

- «**Таъминотчи**» билан «**Истеъмолчи**» ўртасида газ етказиб бериш ва қабул қилиш хақида тузилган техник далолатномаларда ақс эттирилган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз газ ҳисоблагичлар бўйича ушбу русумли газ ҳисоблагичлар учун истеъмолчи томонидан юритилган кайд дафтарлари (журналлар) билан тасдиқланган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи электрон блокли ҳисоблагичлар бўйича ҳисобот даври учун чиқарилган архив маълумотлари (распечатка) ларга асосан аниқланади.

«**Истеъмолчи**» балансида бўлган газ қувурларидаги ва ГТМ даги газнинг йўқолган ҳажми «**Истеъмолчи**» ҳисобига қарашли бўлади.

2.4. «**Истеъмолчи**» га берилган газ ҳажми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ равишда ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари, соз ҳолатдаги ҳисоблагичлар ва газ сарфини ўлчовчи мосламалар қўрсаткичлари бўйича ҳисобланади.

«**Истеъмолчи**» газ ҳисоблагичларнинг соз ҳолатда бўлиши, ҳамда уларни ўз вақтида таъмирланиши ва даврий текширувдан ўтказилиши учун жавоб беради. Газ ҳисоблагичи тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз бўлган истеъмолчилар кундалик газ сарфини ёзувчи дафтар тутишлари ва кундалик фойдаланилган газ сарфи ёзиб борилиши керак.

2.5. Агарда табиий газ Шартномада қўрсатилган миқдордан кам миқдорда етказиб берилса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига биноан **Таъминотчи**га нисбатан **Истеъмолчи** фойдасига жарима санкциялари қўлланилади.

Қуйидаги ҳолатлардан ташқари:

- авария вазиятларида, табиий офатларда;

- авария вазиятларида, табиий офатларда;
киш мавсумида газ танкислиги сабабли, жойлардаги ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, истеъмолчиларга газ етказиб бериш вақтинча чегараланганида; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир)

- «Истеъмолчи» томонидан газ истеъмол килувчи ускуналар ва газ ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бузилганида, фойдаланилган газ ҳақи тўланмаган тақдирда ҳисоб-китоб ишлари, маскур шартноманинг 2.7., 2.14. – бандларига асосан амалга оширилади

2.6. «Истеъмолчи» ушбу шартноманинг 6.4 ва 6.5. бандида кўрсатилган жарима санкцияларини олган кундан бошлаб 10 кун ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» олдиндан огоҳлантирмай туриб, газ таъминотини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

2.7. Истеъмолчи томонидан тузилган шартномада белгилангандан ортик ҳажмда ва газ етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан газ олган тақдирда газ истеъмолчисидан қуйидаги микдорда:

- истеъмолчи учун шартнома ҳажмларидан ортикча олинган газ қиймати 2 коэффицент билан оширма тулов ундирилади. (Ўзб.Респ. В.М.нинг 132-сон қарори асосан)

2.8. «Истеъмолчи»да захира ёкилғисини ёкиш тизими бўлиши, захирани иситиш мавсуми бошланишидан олдин тўлдириб қўйиши ва қузғи-қишки даврда ёки газ танкислигида, авария ҳолатларида корхонанинг бир маромда ишлаши учун захира ёкилғисини жамлаб қўйиши керак.

«Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат.дан юқори қувватли қозонхона қурилмалари газ ёкилғиси етказиб беришдаги узилишларни ҳисобга олган ҳолда, 2 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ёкишга мўлжалланган захира ёкилғиси ҳўжалигига (СниП –2-35-76) эга бўлиши, «Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат. дан кам қувватли, 1-тоифага қирувчи қозонхона қурилмалари авария ёкилғисига эга бўлиши керак.

2.9. «Истеъмолчилар» шартномага мувофиқ равишда белгиланган муддатларда газдан фойдаланишни тўхтатадилар ҳамда икки томонлама далолатнома тузиб, газ таъминотининг қурилмаларининг ўчириладиган қисмларини тамғалаш ёки пайвандлаш йўли билан газ тармоғидан учиреиш учун «Таъминотчи» ўз вақилини юборади.

2.10. «Истеъмолчи» газ ҳисобини олувчи ҳўжалик ҳисобидаги газ ўлчаш тармоқлари (узеллари) ва ҳисоблагичларини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ва текширувдан ўтказиш ГОСТ 8.563-97 талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди.

2.11. Газ истеъмол килувчи жиҳозлар, ГТП (газ таксимлаш пункти) ва газ ҳисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сакланиши, ҳамда уларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш учун «Истеъмолчи» корхона раҳбарлари жавобгардирлар.

2.12. «Истеъмолчи»нинг ҳўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш ускунаси ҳисоблаш хатолиги ГОСТ 8.563-97 нормаларига мувофиқ бўлган газ ҳисоблаш тармоғи ҳисоб-китоб учун ярқли деб ҳисобланади.

2.13. Агарда, «Истеъмолчи»даги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал килувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мос келмаса, «Истеъмолчи»даги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз булганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд булмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ микдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз булган вақтда шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади (Ўз.Р.ВМ 08.01.2004й. 9-Қарори таҳриридаги банд) яъни, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол килувчи қурилмаларнинг энг юқори газ сарфи қувватида, қунига 24 соат иш тартибида ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» даги газ ҳисоблаш мосламаси ГОСТ 8.563 –97 ва Ўзбекистон Республикасининг шу турдаги газ ҳисоблагичлар учун бошқа ГОСТларга мос ҳолга келтирилгунига қадар амал қилади. «Истеъмолчи» бунга норозилик билдирса, қамчиликлар бартараф қилингунга қадар «Таъминотчи» уни газ таъминотидан бутунлай узиб қўйишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир)

2.14. «Истеъмолчи» ўз ҳисоблагич хотирасидан мунтазам равишда ҳар ой тузатиш қиритувчи (блок коррекция) дан олинган архив маълумотларини ёки кундалик фойдаланилган газ сарфини ёзувчи дафтари билан тасдиқланган ҳисоблагич кўрсаткичларини «Таъминотчи»га ҳисобот оий тугаши билан тақдим қилиши шарт.

Электрон газ ўлчагич кўрсаткичлари архив маълумотлари (распечатка) «Истеъмолчи» томонидан даъво муддати мобайнида яъни, 3 йил сакланиши шарт. (Ўз.Р. ФК. 150-модда)

2.15. «Таъминотчи» вақили ҳар ойда «Истеъмолчи» билан биргаликда газ босими ва ҳароратига «Таъминотчи» сифат лабораторияси томонидан берилган тузатишларни электрон ҳисоблагич кўрсатмалари бўйича қиритишлари керак.

2.16. Газ ҳисоблагич ёрдамида газ ҳисоблаш мосламасидан фойдаланганда «Истеъмолчи» қуйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

- газ босими ва газ ҳисоблагичнинг ҳисобга олувчи қисми атрофидаги ҳавонинг ҳарорати ҳисоблагични ишлаб чиқарган корхона-заводнинг ҳисоблагични ишлатиш талабларига мос қилиши керак;

- газ ҳисоблагичдаги ишчи босим истеъмолчининг ГТП (газ таксимлаш пункти)нинг соз ҳолатда эканлиги тўғрисидаги далолатномани «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га тақдим қилинади;

- газ ҳисоблагичдан фойдаланиш жараёнида «Истеъмолчи» унинг ҳисоблаш механизми ва тузатиш қиритувчи (блок коррекциясини)ни шикастланишдан эҳтиёт қилиш;

- газ ҳисоблагични ишлатишда ҳисоблагич паспортида қайд қилинган талаблар бажарилиши;
Газ ҳисоблагич қуйидаги талабларга жавоб бериши:

- газ ҳисоблагичнинг кўриш жойларида ҳисоблаш механизмидаги кўрсаткичларни тўскинликсиз олиниши, ҳамда шикастланган жойлар ва қамчиликлар (дефектлар) бўлмаслиги;

- ишлаб чиқарувчи корхона-завод ва «Ўздавстандарт» тамғалари сакланган, бут бўлиши;

- ҳисоблаш тармоғи ва импульс йўлларида газ сизиб чиқиш ҳолатлари бўлмаслиги;

- газ хисоблагичда ишлаб чиқарган корхонанинг товар белгиси, газ хисоблагич русуми, раками, унинг аниклик даражаси ва ишлаб чиқилган йили кўрсатилганлиги;
- газ хисоблагич корпусида газ оқимини кўрсатиб турувчи ёй (стрелка) бўлиши;
- газ хисоблагич шовкинсиз ишлаши шарт.

Агарда газ хисоблагич юқоридаги талаблардан бирига жавоб бермаса, хисоблагич фойдаланишга яроксиз деб хисобланади ва аникланган камчиликлар «Истеъмолчи» томонидан бартараф этилмагунига қадар хисоблаш тармоғи яроксиз деб хисобланади ва фойдаланилган табиий газ учун хисоб-китоб ишлари мазкур шартноманинг 2.14. асосан амалга оширилади.

2.17. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилига, хафтанинг исталган вақтида ойига камида 4 мартабадан кам булмаган лекин, 10 мартадан кўп бўлмаган микдорда газ хисоблаш асбоблари ва газ ишлатувчи ускуналарини ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб кўриши учун шароит яратиб бериши шарт. «Истеъмолчи» ташаббуси билан «Таъминотчи» вакилини таклиф қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Агарда, «Таъминотчи» вакили газ ускуналари ва газ хисоблаш асбобларини текшириш учун «Истеъмолчи» ҳудудига киритилмаса, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган газ сарфи учун хисоб-китоб, мазкур шартноманинг 2.13 бандига асосан амалга оширилади, «Таъминотчи» вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб амалга оширилади.

Эслатма:

«Истеъмолчи» нинг газ ускуналари ва газ хисоблаш асбобларини текшириш учун киритилмаганлиги тўғрисида «Таъминотчи» вакили томонидан далолатнома расмийлаштирилганлиги асос бўлиб хисобланади.

Агарда, «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилининг ҳудудига киритилмаганлиги тўғрисида ёки газ хисоблаш мосламаси, тижорат хисоблагич сифатида тан олинмаганлиги тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, «Таъминотчи» далолатномани бир томонлама тартибда тузади. Бунда, газ хисоблаш мосламасини текшириш пайтида иштирок этган «Истеъмолчи» вакилининг исми, шарифи ва мансаби ҳамда «истеъмол»чининг манзили кўрсатилади.

Агарда «Истеъмолчи» далолатномага имзо қуйишда бош тортса унда, «Таъминотчи» томонидан уч кишидан кам булмаган шахслар иштирокида тузилган далолатнома ҳақиқий деб хисобланади.

2.18. Газ хисоблаш воситалари ишдан чикса ёки яроксиз холга келиб қолса, «Истеъмолчи» бу ҳақида «Таъминотчи»ни зудлик билан хабардор қилиши керак. Агарда, айрим газ ускуналари ишламаётган бўлса, уларни тамғалаш учун «Таъминотчи»ни хабардор қилиши керак.

2.19. Газ ускуналарини қайта таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда газ сарфи хисоб-китоби ўзгарганида «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га газ асбобларини ўзгартириш учун техник шарт ёки рухсатнома, «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтгазозорат» инспекциялари томонидан берилган рухсатномаларни тақдим қилиши шарт. Шундан сўнг шартномага ўзгартиришлар киритилади.

2.20. Газ хисоблаш пункти ишдан чикканида «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилини 1 сутка давомига хабардор қилиб, газ хисоблаш прибори кўрсаткичини қайд қилиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилганида, газ қувури тизими орқали газдан фойдаланишга рухсат этилади. Бундай пайтда «Истеъмолчи» газ хисоблаш тармоғини таъмирлаш учун тезкор чора кўриши шарт. «Таъминотчи» томонидан газ хисоблаш ускунаси ўрнатилгунга қадар фойдаланилган газ сарфи учун хисоб-китоб мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади.

2.21. Газ хисоблагич, тижорат хисоблагични бир маромда ишлаши учун «Истеъмолчи», ёзги ва киши даврида газ истеъмол қилиш ҳажмига қараб торайтириш ускуналарини алмаштириш ва газ ўлчаш асбобларини ўз вақтида талаб даражасида бўлишини таъминлаб бориши шарт.

2.22. Газ хисоблаш асбоблари сарфланаётган газ микдорига мос бўлиши керак. Газ хисоблаш мосламаларининг техник характеристикасида кўрсатилган чегарадан кам микдорда газ сарфланса, газ микдорининг ҳисоби ва газ сарфи, газ ўлчов мосламасини техник характеристикасининг пастки чегараси бўйича олинадиган бунда, «Истеъмолчи» 15 кун муддат ичида газ ёкиш ускуналарига мос газ хисоблагич мосламаларини ўрнатиш мажбуриятини олади.

Газ хисоблагич мосламалари, газ сарфини хисоблашда тармоқнинг ҳатолик даражаси 1,5% дан юқори бўлса, газ сарфи хисоб – китоби газ хисоблаш прибори шкаласининг ҳатолиги 1,5% дан юқори бўлмаган фоизи бўйича амалга оширилади. Рухсат этилган максимал чегарадан юқори микдорда газ сарфланса, газ ҳисоби ўрнатилган ва тамгаланмаган газ ускуналарининг газ сарфи мазкур шартноманинг 2.13. бандига асосан хисобланади.

2.23 «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»нинг хужалик ҳисобида бўлган газ хисоблагич мосламаларини кўрилганда, газ хисоблаш мосламаси бир маромда ишламаётганлиги, таккослов текшируви (хронометраж) ўтказилганда, ташқаридан газ хисоблаш мосламаларига таъсир кўрсатилганда ва бошқа ҳолларда, газ хисоблаш мосламаларини жойлардаги «Ўздавстандарт» бошқармаларида экспертизадан ўтказишни ва назорат-ўлчов асбобларини навбатдан ташқари текширувдан ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Агарда, газ хисоблаш асбоблари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўлов, газ хисоблаш асбоби эгаси томонидан амалга оширилади.

Газ хисоблаш асбоблари соз ҳолатда бўлса, экспертизадан ўтказиш учун сарфланган харажатлар, экспертизадан ўтказишни талаб қилган ташкилот томонидан амалга оширилади.

2.24 «Истеъмолчи» томонидан газ тармоқларига узбошимчалик билан уланган холларда урнатилган газ ёкиш ускуналарнинг сарфланган табиий газ учун хисоб-китоб уланган вақтдан бошлаб 10 баравари қийматида ундирилади ва газ тармоғидан (қурилмаларидан) мажбурий тарзда узиб қўйилади. (Ўз.Р. ВМ 09.03.1994й. 124-сон Қарори 1.2 б.)

2.25 Қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун хисоб-китоб «Таъминотчи» вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб, тамгаланмаган барча газ истеъмол қилувчи газ ускуналарининг лойиҳавий юқори қувватидан келиб чиқиб, мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади:

а) газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса ёки газ сарфини торайтирувчи мосламалар билан ўлчашда ГОСТ 8.563-97. коидалари бузилса;

б) сарф ўлчагичлар, торайтирувчи мосламалар, газ ҳисоблагичларнинг Давлат кўригидан ўтган муддати ва газ ҳисоблаш тармоғига (узелига) берилган гувоҳномалари (сертификатлар) муддати тугаганидан кейин;

в) газ ҳисоблагичларни Давлат кўригидан ўтказиш учун ечиб олинган кундан бошлаб, қайта ўрнатилган кунгача бўлган муддатларда;

г) «**Таъминотчи**» вакили томонидан «**Истеъмолчи**» хужалик ҳисобида булган газ ҳисоблаш мосламаларининг байпас йўлларида, импульс йўлларида, торайтирувчи мосламалар камераларида ва сарф ўлчагичларнинг созловчи мурвати (вентили)да газ сизиби чикиш ҳолати аниқланганида;

д) «**Истеъмолчи**» томонидан газ сарфи ўлчайдиган электрон газ ҳисоблагичлардан олинган маълумотлар йўқотилган бўлса;

е) назорат-ўлчов комплексининг тузатиш киритувчи блоки ишламай қолганида, механик равишда ўлчовчи мосламалар мавжуд бўлмаса ёки тўхтаб қолган бўлса;

ж) «**Таъминотчи**» вакили охириги марта келган пайдан бошлаб, «**Таъминотчи**» томонидан газ истеъмол килувчи агрегатларга, газ ҳисоблаш приборларига ўрнатилган тамгалар узилганида.

«**Истеъмолчи**» ўрнатилган тамгаларни ўзбошимча равишда узганлик тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда ҳам, жавобгарлик унинг зиммасида қолади.

2.26. Мазкур шартноманинг 2.3. бандига мувофиқ, сарфланган газни газ ҳисоблагич бўйича ҳисоблаганда қуйидагилар инобатга олинади:

а) термометрлар ва манометрларнинг соз ҳолатда эканлиги ва уларнинг давлат текширувидан ўтган амал қилиш муддати;

б) ГТМ (ГРП) созланганлиги муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимнинг ГТМ (ГРП) созланганлиги тўғрисида тузилган далолатномага мослиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 19-03-22-05 РУз реестрида кўрсатилган беш ой иситиш мавсумида ҳисобланади.

«**Истеъмолчи**» табиий газдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг газ хужалигидаги хавфсизлик коидаларини бўзса унда, $R_{изб} = 1 \text{ кг/см}^2$ коэффициентлари қўлланади.

2.27. «**Таъминотчи**» киши мавсумида газ танқис бўлган даврда «**Истеъмолчи**»га табиий газни узлуксиз етказиб беришни қарор қилмайди (жойлардаги Ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, газ таъминоти тармоғидан ўчирилмайдиган рўйхатга киритилган истеъмолчилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қароридан курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.28. Газ таъминоти тармоғи чегарасидан кейин «**Истеъмолчи**» балансидаги мавжуд газ қувурлари, ундаги қурилмалар ва газ истеъмол килувчи жихозларни соз ҳолатда сақлаш, ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалиги хавфсизлик коидалари»га (Ўз.Р Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган, «Саноатконтехназорат»нинг 2004 йил 6 февралдаги 10-сон буйруғи билан тасдиқланган) биноан «**Истеъмолчи**» зиммасига юклатилади.

Газ қувури бошланадиган жойдаги таксимловчи зулфин ёки жўмрак, агарда у «**Истеъмолчи**» корхонаси (объекти) ҳудуди (тўсиғи)нинг ташқарисида жойлашган бўлса, улгуржи истеъмолчилар учун газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади. Агарда газ тармоғининг бўлинадиган чегарасида зулфин ёки жўмрак мавжуд бўлмаса, у холда корхона (объект) ҳудудининг тўсиғи (девори) газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади.

3. ТАБИЙ ГАЗ НАРҲИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

3.1. Фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб Ўз.Р. Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган Р.Уз.19-03-22-05-сон реестрига асосан амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қароридан курсатилган истеъмолчилари яъни «**Истеъмолчи**» ҳисоб-китоб ойна бошланишидан қаида 5 кун олдин «**Таъминотчи**» ҳисоб рақамига тузилган шартномада кўрсатилгандек ойлик газ ҳажми қийматининг қаида 30 фоизи учун олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Бюджет ташкилоти ҳисоб-китоб ойна бошланишидан қаида 5 кун олдин тузилган шартномада кўрсатилган истеъмол қилинадиган газ ҳажми қийматининг қаида 15 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва тadbиркорлар ҳисоб-китоб ойна бошланишидан қаида 5 кун олдин берилган буюртмага асосан олдиндан 30 фоиз тўлов ўтказишлари шарт.

Олдиндан тўлов амалга оширмаган тақдирда «**Истеъмолчи**»га газ бериш тўхтатилади.

3.3. Якуний ҳисоб-китоб бир ойда берилган ва қабул қилинган газ миқдорига мувофиқ равишда келгуси ойнанинг 10 кунгача амалга оширилади (Бюджет ташкилотлари учун якуний ҳисоб-китоб келгуси ойнанинг 30 кунгача амалга оширилади).

Узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, «**Таъминотчи**» томонидан ҳисоб-китоб ойда ҳақиқатан етказиб берилган газ ҳажми суммасига хизмат кўрсатувчи банк орқали «**Истеъмолчи**»га тўлов талабномалари берилади.

Агарда тўлов талабномалари «**Истеъмолчи**» айби билан талабнома берилган кундан бошлаб 3 банк куни мобайнида бажарилмаса, «**Истеъмолчи**»га газ етказиб бериш тўхтатилади.

3.4. Табиий газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади.

3.5. Агарда «Истеъмолчи»нинг айби билан шартномада кўрсатилган газ ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган бўлса, «Истеъмолчи» томонидан аванс шаклида тўланган пул маблағи истеъмол қилинмаган газ учун қайтарилмайди, балки у келгуси ойнинг ҳисобига киритилади.

«Истеъмолчи»нинг табиий газ учун муддати ўтиб кетган қарздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган қарзни қоплашга йўналтирилади, ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

3.6. «Истеъмолчи» ёки «Таъминотчи» нинг тўлов реқвизитлари ўзгарганида улар бир-бирларига дарҳол хабар беришлари керак.

3.7. Саноат ва коммунал-маиший корхоналар (бюджет ташкилотларидан ташқари) олинган газ миқдори тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 28 кунидан 30-31 кунигача, газ босими ва ҳарорати бўйича тузатиш киритувчи (блок коррекци)си мавжуд бўлган электрон газ ҳисоблагичга эга корхоналар эса кейинги ойнинг беш кун мобайнида белгиланган тартибда расмийлаштирилган газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида таъминотчига такдим этади. Ҳисоб – китоб ойнинг 10 кунигача тўлиқ амалга оширилади.

Агар узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда газ билан таъминловчи ташкилот ва худудий газ билан таъминловчи корхоналар газни қабул қилиш –топшириш далолатномалари асосида, хизмат кўрсатувчи банклар орқали, ўтказилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда, ҳисоб китоб ойда амалда етказиб берилган газ қиймати суммасига тўлов талабномалари берилади.

«Таъминотчи» томонидан етказиб берилган табиий газнинг аниқланган миқдорига норози бўлган «Истеъмолчи» 10 кун ичида «Таъминотчига» ўз норозилиги ҳақида мурожаат қилади. 10 кун муддат ўтганидан сўнг, «Истеъмолчи» томонидан қилинган эътирозлар қабул қилинмайди.

4. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «Истеъмолчи» жорий йилнинг 15 июл кунидан кечиктирмай келгуси йилда истеъмол қилинадиган газ учун «Таъминотчи» га ўрнатилган тартибда буюртма бериши шарт. Буюртмада табиий газ истеъмолчининг чораклар бўйича миқдори ақс эътирилиши керак. Зарур ҳолатларда буюртмадаги газ ҳажмига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин ва уларни жорий йилнинг 1 сентябр кунигача такдим қилиш керак.

4.3. Табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.4. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги табиий газни етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10(ўн) кун олдин хабардор қилади.

4.5. «Таъминотчи» Табиий газ қабул қилиш ва бериш тартибининг ўзгарганлиги (магистрал газ қувурлари, газ тармоқлари, газ кириш қисмининг авария чегаралаш тугунларида содир бўлган носозликлар ва бошқа ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар тўғрисида «Истеъмолчи»ни диспетчерлик алоқа каналлари орқали хабардор қилишлари шарт.

«Истеъмолчи» газ хўжалиги тезкор булимининг телефонлари: +998 65 364-18-47

«Таъминотчи»нинг манзили: Геологлар кўчаси, тел: +99865 364-16-04

4.6. «Таъминотчи» газ бериш қисқартирилганлиги тўғрисидаги хабарни «Истеъмолчи»га газ қисқартирилишига қадар камида 6 соат олдин етказиши керак. Магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Қиш мавсумида, ҳамда магистрал газ қувурлари ишининг технологик тартиби бузилганида «Таъминотчи» газ беришни чегаралайди «Истеъмолчи» қўшимча захира-ёқилги турига ўтказиш жадвалларини ишга туширади. (26.05.2005й. 132сон Қарор)

5. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Қуйидаги ҳолатларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га газ беришни тўхтатади:

- «Истеъмолчи» шартномада қилишилган ҳажмдан ортиқ газ олса;
- газ тармоқларига ўзбошимча равишда қўшимча газ ускуналари улаб олинган бўлса;
- муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлса;
- газ олиш қондалари қўпол равишда бузилганида;
- буюртма берган газ ҳажми учун олдиндан тўлов (аванс) тўланмаган бўлса;

5.2. Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб бериш тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни газ тармоғига қайта улаш ҳаражатлари «Истеъмолчи» ҳисобига қопланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон Қарорининг 5-иловасида кўрсатилган корхоналарга ҳақи туланмаганлиги учун табиий газ беришни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Етказиб берилган табиий газ сифати шартномада ёки конун ҳужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» табиий газни қабул қилиш, ҳамда унинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифати ва миқдори лозим даражада бўлмаган табиий газ қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар табиий газ ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

6.2. Табиий газ етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган ҳолларда Таъминотчи «Истеъмолчи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган табиий газ қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мажбуриятлар форс-мажор ҳолатлари оқибатида бажарилмаган бўлса, «Таъминотчи» жарима (пеня) тўлашдан озод қилинади.

6.3. «Истеъмолчи» газ ҳақини ўз вақтида тўламаса, кейинги ойнинг 11 кунидан ошлаб кечиккан ҳар бир кун учун муддати ўтган тўловнинг 0,5 фоизи ҳисобида жарима (пеня) тўлайди. Бироқ, жарима миқдори муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» газ истеъмол қилувчи қурилмаларни ўзбошимча равишда, «Таъминотчи» билан келишмаган ҳолда газ тармоғига улаб олган бўлса, унга нисбатан ўрнатилган газ асбобларининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлик қувватининг 2 барабар ҳисобида фойдаланилган газ учун ҳақни «Таъминотчи»га тўлайди, шунингдек «Истеъмолчи»нинг газ истеъмол қилувчи қурилмалари газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади.

6.5. Агарда, газ ҳисоблаш асбобларининг, шунингдек газ истеъмол қилувчи бошқа агрегатларга ўрнатилган пломбалар ўзбошимча равишда узилганлиги аниқланса, «Истеъмолчи» ўрнатилган газ ускуналарининг 24 соатлик иш тартибидаги қуввати бўйича «Таъминотчи» вақилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб 2 барабар ҳисобланган газ ҳақини «Таъминотчи»га тўлайди.

6.6. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий негизи тўғрисида» ги Қонунига биноан жавоб берадилар.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда газ бериш ва қабул қилишни тўхтатиш ёки қамайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмадилар:

а) табиий офатларда;

б) газ конларида, газни қайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ қувурларида, газ тармоқларида қутилмаган авариялар содир бўлганида.

8.2. Бундай ҳолатлар содир бўлганида томонлар бир-бирларини ҳар қандай алоқа воситалари ёрдамида хабардор қилишлари керак.

8.3. Агарда, бу ҳолатлар 90 кундан ортиқ давом этса, томонлар келгусида шартномани бажариш, масаласини музокара йўли билан ҳал қиладилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

9.1. Мазкур шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тарафлар шартномани имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вақиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлини масида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради).

9.3. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007-сон билан рўйхатга олинган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари»га асосан амал қилиш муддати «31» декабрь 2015 йилгача белгиланади).

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

9.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.5. Томонлар ўртасидаги ҳар қандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги хўжалик суди томонидан ҳал қилинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътирозлари, эътироз тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1 Мазкур шартнома тарафларнинг келушивуга кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхаси тенг юридик қучга эга.

11. ҚЎШИМЧАЛАР ВА ИЛОВАЛАР

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Қорхона»

«Истеъмолчи»

Қоровулбозор туман газ таъминоти
(етказиб берувчининг номи)

Қоровулбозор туман мактабгача таълим бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Қоровулбозор туман Геологлар
қўчаси

Манзил: Қоровулбозор туман Геологлар қўчаси
27 уй

Тел./факс : +99865 364 1996

Тел./факс: +99865-364-18-47

Ҳ/р 22634000805113960328

Ҳ./р: 100022860062327091100251001

Банк номи : Узсаноатқурилишбанк ракат
филиали

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО: 00435 ИНН: 306605769

МФО: 00014 ИНН: 305159572

Ғаз х/в: 23402000300100001010

Ғазначилик бўлинмасининг номи: Қ-бозор туман
ғазначилик бўлинмаси

Раҳбар: Ф. Очилов



Раҳбар: С. Давлатова



(imzo)

"10" январь 2022 й
7 - сонли шартномага
Илова

Фойдаланишга қабул қилинган ва газ ёқилғисига
ўтказилган агрегатлар тавсифи

№	Учасика, цех, бино номи	Агрегатлар		Лойихавий соатлик газ сарфи м3/соат	Газ ҳисоблагичлари тури
		Тури	сони		
1	1 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25
2	2 МТТ			40 м ³ /с	SARF G-25
3	3 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25
4	4 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25
5	5 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25
6	6 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25
7	7 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25
8	8 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25
9	9 МТТ			40 м ³ /с	PRINCE G-25

Келишилган:

"Таъминотчи" раҳбари

Ф.Н.Очилов



"Истеъмолчи" раҳбари

С.К.Давлатова



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma, №7
2. Loyihaning nomi. "ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ" to'g'risida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.
Shartnoma loyihasi Qorovulbozor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 10.01.2022 yilda kiritilgan.
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qorovulbozor tuman
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



A. Boltaev

2022 yil 10 yanvar.